




Эшбой аканинг
эгзу амаллари



Ўзга ерда ўзга
осмон йўқ



Шовотдан чиққан
чемпион



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Ҳаяжонли учрашувлар, самимий эътирофлар

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, энг улуг ва энг азиз байрамга Қашқадарё вилоятида ҳам ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бунинг яққол исботи сифатида «Маънавият 60 кунлиги» доирасида ўтказилаётган тадбирларни келтириш мумкин.

Вилоят ҳокимининг қарорига кўра ташкил этилган тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида Китоб туманида ўтказилган ижодий учрашувлар қизиқарли кечди. Айниқса, туман истироҳат боғида ташкил этилган тадбир кўпчилигининг хотирасида муҳрланиб қолди, десак муболаға бўлмайди. Туман ҳокими Узоқ Худойкуловнинг изоҳ беришича, азал-азалдан маърифат ўчоғи сифатида эътироф этиб келинган Китоб туманида кейинги йилларда деярли барча соҳаларда ўсиш қузатилмоқда. Бу эса туман аҳлининг турмуш фаровонлиги янада ошаётганлигини кўрсатади. Истиқлол шарофати туфайли бу гўшада сўнгги икки-уч йил орасида қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Энг эътиборли жиҳати, шу куни мазкур тадбир доирасида уюштирилган тадбиркор ва ишбилармонлар, қуроқчи ва зардўзлар, каштачилар томонидан тайёрланган миллий хунармандчилик намуналарини томоша қилган ҳар қандай кишининг қалби фахру ифтихорга тўлади.

Маликалар беллашуви

21–23 июль кунлари Термиз шаҳрида республика VI аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг олтин дарвозаси ҳисобланган кўҳна Термиз жорий йилда чинакамига спорт ўйинлари масканига, рамзий маънода эса мардлар майдониغا айланди.

“ОБУНА —
2011”

Индекс:

Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177



“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келатган муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, газетамизга обуна йил бўйи давом этаверад.

Ушбу сонда:

Самарқанддан таралгай	
«Шарқ таронаси»	2
Уста ҳақидан кўрқин!	4
Ягона солиқ тўлови пасаядими?	5
Сурати сулпон, сийрати шайтон	6
Қирқ иллатга даво неъмат	7
Сингил опадан аввал турмушга чиқса	7

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маълумки, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да туманда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони ортиб, сифати йил сайин яхшиланиб бормоқда. Вилоят савдо-саноат палатаси қошидаги туман ахборот-маслаҳат маркази маълумотларига кўра, айти пайтда Китоб туманида саккиз мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми шу йилнинг олти ойида 10 миллиард 567 миллион 431 минг сўмни ташкил этди. Унинг 8,5 миллиарддан ортиги кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади.


Санам маҳалласида фаолият кўрсатаётган «Жавоҳир Акрам» савдо ишлаб чиқариш фирмаси томонидан полиэтилен кувурлари ишлаб чиқарилаётган бўлса,

гидаги тарғиботчилар гуруҳи аъзолари истироҳат боғида ташкил этилган маҳаллий тадбиркорларнинг маҳсулотлари кўзга келтириб, чин маънода фидойилик намуналарини кўрсатган ишлаб чиқарувчилар шаънига самимий дил изҳорларини билдирдилар. Шунингдек, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари фольклор жамоалари ижросида алла, келин салом каби миллий урф-одатларимиз тараннум этилган чиқишлар

колаверса, давлатимиз томонидан кўрса-



Ҳаяжонли учрашувлар, самимий эътирофлар



Ҳамид Олимжон маҳалласида фаолият юритаётган тадбиркор Ҳалима Усмонова бошчилигидаги «Тўлиной» корхонасида тайёрланаётган нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ўзининг харидорлиги билан элга манзур бўлмоқда.

Собир Раҳимов номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган Кўлайсин Хуррамова бир неча йилдирки, хунармандчилик билан шуғулланиб келади. Ўз ишининг устаси бўлган Кўлайсин опанинг қўлида қавилаётган тўнлар нафақат китобликларнинг, балки қўшни вилоят ва туман аҳлининг ҳам назарига тушгани қувонарлидир.

Туманда мустақиллик байрамига ўзгача руҳда пухта тайёрларлик кўрилмақда. Бу борада, хусусан, тадбиркорлар ҳар қачонгидан кўра самаралироқ иш юритаётгани кузатилмақда. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга, сифатига алоҳида эътибор қаратишяпти. Яхшичи, ушбу далилларга эътибор қаратайлик: шу йилнинг олти ойида 350 та юридик мақомга эга тадбиркорлик субъекти иш бошлади. 16 та савдо, 5 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, 7 та умумий овқатланиш шохобчалари ишга туширилди. Бу эса юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совғаидир. Улғбек, Хиромий, Али Қўшчи маҳаллаларида зардўзлик, ироқи каштачилиги билан шуғулланаётган тадбиркорлар фаолият олиб бораётгани хотин-қизларни иш билан таъминлашдаги ижобий ишларнинг ёрқин самараси экани шу кунги учрашувларда қайта-қайта таъкидланди.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Долли Аллаев раҳбарли-

ҳам кўпчиликини хушнуд этди. Хусусан, Чармгар маҳалласида туғилиб ўсган ҳаваскор хонанда, айти пайтда пойтахтимиздаги ҳарбий санъат ўқув услубий маркази курсанти бўлган Умиджон Абдуллаев ижро этган мумтоз ашулалар кўнгилларни чоғ қилди.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг катта ўқитувчиси Солижон

тилаётган ғамхўрликларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етишни истайди.

Башир қишлоғида Сувон Бобоев раҳбарлигидаги дорбозлар гуруҳи аъзолари ҳамда шу ҳудуддаги 24- ва 26-умий ўрта таълим мактаби бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам ўз санъатларини намойиш этди.

Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали катта ўқитувчиси Комилжон Султонов бошчилигидаги гуруҳлар иштирокида ўтказилган мулоқотларда ҳам Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Китоб тумани бўлими башқарув раиси Жаббор Раҳмоновнинг таъкидлаганидек, тумандаги 38 та ўзини-ўзи бошқариш органида ўтказилган жонли ва самимий мулоқотлар юртдошларимиз юрагида буюк неъмат — истиқлолга бўлган меҳру муҳаббатни янада оширишга хизмат қилади.

Китоб туманида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» шиори остида ўтказилган учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Акмал Саидов, Арслон Эшмуродов, Отабек Абдуғаниев иштирок этди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» мухбири.
Қашқадарё вилояти. (т)

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР



Самарқанддан таралгай

“Шарқ таронаси”

Президентимиз ташаббуси билан ЮНЕСКО ҳамкорлигида 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда. Бу йилги фестивал олтидан Тошкентдаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида муҳим тадбирга тайёрларлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

25 августда саккизинчи бор кўҳна Самарқанднинг афсонавий Регистон майдонида тараладиган “Шарқ таронаси” да 62 мамлакат вакиллари иштирок этиш истагини билдиришган. 20 га яқин давлат олимлари эса илмий анжуманга қатнашиш учун мурожаат қилишган. Бу эса фестивалнинг жўрғофий қамрови ва мазмун-моҳияти йилдан-йилга бойиб бораётганидан дарак беради.

— Мақоми ва мазмуни билан кўпчиликни ўзига жалб этаётган халқаро аҳамиятга эга тадбир бу сафар ҳам маданиятлар мулоқоти учун муносиб майдон бўлиши кутилаяпти, — деди Ўзбекистон Республикаси Маданияти ва спорт ишлари вазирлиги Турсунали Қўзиев. — Айниқса, Буркина-Фасо, Бруней, Гамбия, Мадагаскар, Ирландия, Норвегия, Чехия, Куба, Сенегал, Хорватия каби ўнла мамлакат вакиллари сафимизга қўшилгани барчанимизни қувонтиради, албатта.

30 августга давом этадиган фестивал юздан ортиқ хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилади. Тадбир якунида энг яхши мақола, эшиттириш, кўрсатув муаллифлари ҳам тақдирланади.

Шаҳноза РОФИЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Истиқлолни улғлаб...

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Чилонзор, Сергели ва Юнусобод тумани ҳокимликлари томонидан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» шиори остида маърифий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова сўзга чиқиб, мустақиллигимизнинг йигирма йиллик қисқа даври мобайнида мамлакатимизда асрга татиғулик ютуқларга эришилгани, Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, жумладан, замонавий таълим, тиббиёт масканлари, спорт мажмуалари барпо этилгани, шунингдек, хотин-қизлар ва ёшларимизга катта эътибор қаратилаётгани, барча жабҳада инсон манфаатлари устуворлигини ифтихор билан таъкидлади.

Кечада Чилонзор, Сергели ва Юнусобод туманларининг маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, намунали оила-лар, нуруний отахон ва онахонлар, хотин-қизлар, тадбиркорлар ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбир сўнггида санъат ноямояндлари ижросида ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

Ш. АСРОНОВА



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мустақилгимизнинг қутлуг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Миллий олимпия кўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, хуллас, яна бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган фестивал ўзининг нафосат ва гўзаллик хослиги билан меҳмон мезбонларда катта таассурот қолдирди.

Олтинчи бор ўтказилаётган ушбу тадбир дастурига кўра, ҳудудлараро босқичма-босқич бўлиб ўтган мусобақаларда голиб чиққан ишчи ва хизматчи, олдин уй бекалари, ўқитувчи ва ҳамшира спортчи аёллар бу қадим шахарда уюш-



— Болалигимдан бошлаб расм чишиш, дизайнликка жуда қизиқардим, — дейди Барнохон биз билан суҳбатда — Мактабни битиргач, республика дизайн коллежига ўқишга кирдим. Уч йил мобайнида ўзим қизиққан соҳа бўйича илм олиш билан бирга "Баҳор — фасллар

Маликалар беллашуви



тирилган ҳал қилувчи беллашувларда иштирок этиш учун келишган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан келган қарийб 350 нафар иштирокчи фестивал очилишидан аввал истиқлол даврига келибгина бевосита Президентимиз ташаббуси билан бутунлай қайтадан обод қилинган Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳига ташриф буюришди.

Шу куни «Алпомиш» спорт мажмуасида фестивалнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Мамараимов, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Д. Ҳасанова сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари бошчилиги-

да юртимизда аёллар, болалар ва оилавий спортни янада ривожлантириш, хотин-қизларнинг турли хил оммавий спорт турлари билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганини, бу эса барча ҳудудларда улкан самара бераётганини таъкидлашди.

Эътиборли жиҳати, мазкур фестивал энди бошланган йиллари бор-йўғи 20 минг нафарга яқин аёл қатнашган бўлса, жорий йилда 75 минг нафар хотин-қиз ҳудудий босқичларда фаол иштирок этганининг ўзиёқ, бу ташаббус йил сайин кенг жамоатчиликни қамраб олаётганини яна бир қарра исботлайди.

Ҳозирги кунга келиб республикамиз миқёсида оладиган бўлсақ, спорт билан мунтазам шуғулланаётган аёллар сони сал кам икки миллионга етгани улкан аҳамиятга эгадир. Бу эса ҳам ўз оиласи-

да, ҳам жамият ҳаётида фаоллик кўрсатган хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлик касб этаётганидан ташқари, соғлом турмуш тарзи ҳамда, энг муҳими, она ва бола саноатлигини кафолатловчи ўзига хос ташаббус кенг қулоқ ёяётганини кўрсатади.

Нихоят, спортнинг еттита тури бўйича қизиқарли ва ҳаяжонли кечган беллашувлар якунланиб, "Алпомиш" спорт мажмуасида кўп минг сонли томошабинлар ва иштирокчилар гувоҳлиги остида голиблар номи эълон қилинди. Умумжамоа ҳисобида мезбонлар — Сурхондарё вилояти вакиллари биринчи, Тошкент вилояти спортчи аёллари иккинчи ва Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгаллашди. Голиб ва совриндорларга тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совгалари тантанали суратда топширилди.



Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонава иштирок этди.

Гулзомол АСҚАРОВА,
"Оила ва жамият"
махсус муҳбири.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

МЕН — 20 ЁШДАМАН!

Алишер ҳали ўқувчи, у ҳам мусиқа мактаби ва спорт тўғрисида катнайд. Дадам Аброр Маннопов касблари бўйича иқтисодчи, лекин мамлакатимизда ишбилармонларга яратиб берилган кенг имкониятлардан

сам, магистратура йўналиши бўйича хорихда ўқиб келиш ниятидаман. Қолаверса, ўз лойиҳаларим билан нуфузли таниловларда қатнашмоқчиман. Асосийси, ҳозиргача бутун дунё ахлини ҳайратга солиб келаётган асрий обидалар, муҳташам биноларимиздан илҳомланиб, миллий кўринишларни ўзида акс эттирувчи иншоотлар тарихи, лойиҳаларини яратадиган меъмор-архитектор бўлимоқчиман.

Булар энди келгусидаги орзуларим, лекин ҳозирги кунда, яъни энг улуг ва энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг қутлуг 20 йиллиги арафасида кўнглимдан кечаётган нури туйғуларни ҳам ўз тенгдошларим — истиқлол фарзандларига ихзор этмоқчиман: биз келажаги буюк юртининг эртанги кунни эгаларимиз, халқимиз ишончи ва умидини оқламаққа отланган ёшларимиз. Шундай экан, бу шарафли ва масъулиятли вазифани муносиб равишда адо этмоқ учун



фойдаланиб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади.

Энг асосийси, бизнинг ҳондонда илм ўрганиш, китобга бўлган муносабат жуда яхши. Масалан, онамнинг ўзлари шунча иш-ташвишлардан ортиб, ўқиб чиққан бадиий китобларни бизларга ҳам тавсия этади. Ва табиийки, кейин фикр-мулоҳазамизни ҳам сўрайди. Уйимизда мўъжазгина шахсий кутубхонамиз бор.

— Келажакдаги орзуларингиз, режаларингиз қандай?

— Энг аввало, бакалавриятни муваффақиятли битириб ол-

дарлар инглиз тилида олиб борилади. Жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган замонавий ўқув ва амалиёт хоналари мавжуд. Ҳар бир талаба ўз қизиқишидан келиб чиқиб, турли хил лойиҳалар, режалар ишлаб чиқиши мумкин. Ўқитиш жараёнлари эркин. Лекин семестр охи-

Шунингдек, турли халқларнинг миллий таомларини пишириб кўришга ҳаракат қиламан. Шу орада сузиш спортига ҳам қатнаймаман. Ҳозирги кунда италия тилини ўрганаёяман. Болалигимда мусиқа мактабининг пианино курсига қатнаганман. Чарчаганимда ўзим ёқтирган муси-

Турин талабаси

маликаси" номли шахсий кўрғазмами ҳам ташкил этдим.

Зўрга эслайман, тўрт-беш ёшда манзарали расмлар, ҳар хил либослар эскизларини чизганман. Ушанда онам (Шахло Эргашева — Тошкент ирригация ва мелiorация институтида кафедра мудири, доцент — Ш. Р.) мени ижодиёт уйи қошидаги тўғаракка етаклаб борган.

— Барнохон, сиз Ўзбекистонда Турин университети энди очилган йили талабалик бахтига муюссар бўлган экансиз. Инглиз тилида имтиҳон топширишда қийналмадингизми?

— Мактабда ўқиб юрган пайтимдаёқ чет тилини ўрганишга интилганман. Кейинчалик ҳам ўз устимда жиддий ишладим, устозларим яқиндан ёрдам беришди. Шунинг учун имтиҳондан муваффақиятли ўтдим.

Касб-ҳунар эгаллашми, тил ўрганишми, ҳар қандай шароитда ҳам барибир одамнинг ўзига боғлиқ. Агар олдингизга бирор мақсад, орзуну қўймасангиз нимагадир эришиш қийин кечади. Мен, айтдим-ку, ёшлигимдаёқ чин кўнглидан ният қилганман. Насиб этса, ҳали ҳаммаси олдинда.

Университетда деярли ҳамма

Саҳифамизнинг бугунги меҳмони, истиқлол тенгдоши — Барнохон Маннопова Юртбошимиз ташаббуси билан 2009 йилда очилган Италиянинг Турин политехника университети биринчи қадирғочларидан. У ҳозирги кунда ушбу нуфузли даргоҳнинг архитектура ва саноат дизайни факультети 3-босқич талабаси.

рида барча синовлар жиддий олинади. Шунинг учун вақт топдим дегунча, кутубхонага чопаман, дарслиқдан ташқари илмий адабиётларни ҳам ўқиб-ўрганишга ҳаракат қиламан. Иккинчи босқичда ўқиётганимда бешта хонадан иборат турар жой лойиҳасини яратдим. Уларнинг интерьер-дизайнини ҳам ўзим чиздим. Мутахассислар яхши баҳо беришди.

— Бошқа таълим масканларида таҳсил олаётган талабаларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашсам, аксарияти деярли бўш вақти йўқлигидан нолийди. Лекин яширмайлиг-у, кузатсангиз, қанчаси кўча-кўйда, интернет-кафеларда соатлаб ўтираверади. Масалан, сизнинг ўзингиз олтинга тенг дамларини қандай ўтказасиз?

— Ўқшдан бўшаган пайтимда ҳар бир киз бола учун зарур уй-рўзгор ишларига қарашаман.

қаларни чалиб дам оламан. Хуллас, бизнинг ёшимизда бўш вақтнинг ўзи бўлмаслиги керак, деб ўйлайман.

— Жуда кўп ҳолларда оилавий муҳит фарзандлар таълим-тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Шу маънода сиз ўсиб-улғайган хонадоннинг бошқа ўзбек оилаларидан фарқи борми?

— Деярли йўқ, нега десангиз оддий зибеллар оиласидан миз. Уйимизда ота-онамизнинг кўрсатган йўл-йўриқлари, панд-насихатларига қаттиқ амал қиламан. Лекин бу дегани қаттиққўллик ҳукмрон экан-да, деган тасаввур уйғотмасин. Тўғри, улар ҳар биримизнинг мақсадларимиз, қизиқишимизга қараб соҳаларга йўналтиришга ҳаракат қилишади. Раъно опам онамнинг ишларидан бориб, бухгалтер аудиторлик факультетини битириб, ҳозир магистратурага кириш учун тайёрланаёпти. Укам

"Оила ва жамият" муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
суҳбатлашди.

Сувсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Айниқса, она Ермизнинг 4/3 қисми сувдан ташкил топшига қарамасдан, маълумотларга кўра, охириги 40 йил ичида жаҳон бўйича киши бошига чучук сув миқдори 60 фоизга камайган. 2025 йилга бориб, Ердagi ҳар 3 кишидан 2 таси ичимлик суви етарлича бўлмаган ҳудудларда яшashi кутилмоқда. Қизиқ, лекин сув ҳеч қаерга гойиб бўлмайпти, унинг табиатдаги миқдори ўзгармас ҳолда турибди-ку! Аммо сувга сааноат ва маиший чиқиндилар, турли хил захарли химёвий моддалар тушиши натижасида «тирик» сув инсон учун яроқсиз ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган «ўлик» сувга айланмоқда...

Бу каби статистик маълумотларни ўқиб, беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Сув билан боғлиқ айрим муаммолар барчамизни баб-баравар ташвиш-хавотирга солганида эди, уйимиздан тортиб, кўча-кўйларгача қаровсиз жўмрақлардан беҳуда оқиб ётган оби-ҳаётни ўз вақтида тежаган бўлармидик. Бир кунни-ку қўяверинг, ҳатто бир лаҳзагина сувсиз яшай олмаслигимизни эсда сақлаб, ичимлик суви билан томорқаларни суғормасмидик, машиналарни ювмасмидик...

Оддий тажриба

...Кеча ўзимизча маҳкам бураб беркитилмаган водопровод жўмрагидан оқиб ётган сув устида соддагина тажриба ўтказдик: жўмрақ остига 250 граммли стакан қўйдик. Роса 45 сониядан сўнг идиш тоза тиниқ ичимлик суви билан тўлди. Кейин кўлимизга қалам ва қроғоз олиб ҳисоблаб чиқсак, бир соатда 80 стакан ёки 20 литр сув бекордан-бекор қувурга оқиб кетаётгани маълум бўлди. Бир сутка давомида эса 480 литр сув. Бу фақат биттагина жўмрақдан, холос! Бу кўрсаткич, бориники, беш кишидан иборат оила яшаётган хонадонда ҳисоб-китоб қилиб чиқилса, улар бир сутка давомида ҳам шунча суви сарф

қила олмаслигига нима дейсиз?

Энди ана шу сув иссиқ бўлганида оқибат не кечарди? Мутахассислар буни ҳам ҳисоблаб чиқшган. Битта жўмрақдан гурт донаси йўғонлигида сув оқса, икки ой мобайнида битта квартирани иситиш учун етарли миқдорда иссиқлик йўқотилар экан.

фойдаланилса, 2 литр сарфланади.

Енгил автомашина ювишда:

• жўмрақдан 10-15 дақиқа давомида сув шовуллатиб оқизилса, 1300 литр, идишларга олиб ювилса, 100 литр сарфланади.

Чўмилишда:

• жўмрақ 10 дақиқа сув очик

Бир томчи сувнинг



Яна бир жиддий ўйлантирадиган рақамли маълумот: кундалик турмушда суви тежаб ҳисобига беш йил мобайнида 2,5 миллиард сўмлик оби ҳаётни иқтисод қилиб қолишимиз мумкин экан. Эслатиб ўтамиз, бу ерда гап сув истеъмолини камайтириш ҳақида эмас, балки фақат суви бекорга (мақсадсиз) оқиб юбормаслик хусусида бораёпти.

Гарчи ўзимизга сезилмасида, биз ҳар куни бир неча ўн-юз литрлаб сув исрофгарчилигига йўл қўямиз. Мана масалан, **Тиш ювганда:**

• сув жўмраги очилган ҳолда фойдаланилса, 2-3 дақиқада 15 литр, стаканга солиб фойдаланилса, 0,5 литр сарфланади.

Юз-кўл ювишда:

• жўмрақдан 2-3 дақиқа очилган ҳолда фойдаланилса, 13 литр, суви идишга солиб (обдаста, човғум ва бошқалар)

қолдирилса 450 литр, керак пайтда очиб ишлатилса, 200 литр сув сарф бўлади.

Мутахассис шарҳи:
Дунанбой Қазибеков,
Тошкент шаҳар «Сувсоз»
трести бош муҳандиси:

— Қизиқ бир ҳолат, маиший кулайлик қанча юқори бўлса, инсон шунчалик исрофгарчиликка йўл қўяр экан. Айтайлик, суви қудуқдан челақлаб ташиб ишлатсак, ҳаёт учун керак бўлган сув сарфи бир ҳафтада жон бошига (суғоришни ҳисоб олганда) 25-40 литрни ташкил этади. Санузеллар билан жиҳозланган водопроводдан фойдаланганда эса 200-240 литр ва ҳатто бундан ҳам ортқ миқдорда сув сарфланади. Тўғри, водопроводнинг барча кулайликларидан фойдаланишимиз керак. Лекин сувдан ўз эҳтиёжимизга ярашсини ишла-

тиб, захирага ҳам асраб қўйишни ўргансак яхши бўлармиди?

Масалан, оддий бир мисол: ёзининг иссиқ кунларида қовунтарвуз ва чанқоқбосди ичимликларни совутиш учун юртдошларимиздан айримлари ичимлик сувини соатлаб оқизиб қўйишди. Бу каби ҳатти-ҳаракатлари билан улар қай даражада исрофгарчиликка йўл қўяётганликларини, ҳатто кўпчиликнинг ризиқини қияётганини билишармикан? Бундан ташқари, хонадонлардаги санитар техник ускуналарнинг носозлиги-чи?

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳозир хонадонларда сув сарфини ўлчаб турувчи ҳисоблагичлар ўрнатилган. Соҳа мутахассисларининг маълумот беришича, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатаёптики, ҳисоблагич қўйилган хонадонларда сув истеъмоли 4-5 бараварга камайган, яъни ускуна ўрнатилмасдан олдин ҳафтасига ўртача 600 литр ишлатилган бўлса, энди бу рақам 150-200 литрга тушган.

Этибор беринг!

Сиз сув ускунасидан фойдаланаётганингизда бу ҳисоблагич кўрсаткичи ўнгдан чапга қараб ҳаракатланади. Агар ҳисоблагич тинимсиз айланаётган бўлса, уй ичидаги қайсидир қувурдан сув сизиб чиқаётган бўлади.

Агар уйингизда бирор жўмрақ бузилган бўлса, ўзингиз мустақил таъмирлашингиз мумкин. Бунинг учун аввал ҳожатхонада ёки ванна хонасида жойлашган қувурдаги эҳтиёт жўмрагини беркитиш керак. Сўнгра очқич билан жўмрақни бураб олинг ва унинг қаери ишдан чиққанини аниқланг. Бунда икки хил сабаб бўлади: суви тўсқин учини даги резина ушлагичи ё тўсқиннинг ўзи едирилган бўлиши мумкин.

Жўмрақ ушлагичини алмаштириш жуда осон. Янги қўйилган резина кўпга чидаши ва ёқимсиз суввилаш бўлмаслиги учун уни конус шаклига келтириш, яъни суви беркитадиган томони қирраларини эгволаб чиқиш тавсия этилади.

Камола АХМЕДОВА



ОЗУҚА — бу сўз «озик» сўзидан келиб чиққан. Манбаларда изоҳланмишча, қадимда «аз» сўзи — «тиш», «азир» сўзи эса «озик тиш», деган маънони билдирган. Шу сабабдан ҳам «озик» сўзи «чайнаш», «чайнамоқ» мазмунини ифодалаган. Демак, «озуқа»нинг туб илдизи «тиш» сўзига бориб тақалади, дейиш мумкин.

Ғўза шоволаш ва гуллаш даврида озуқани кўп талаб қилади.

Газетадан

ПЛАНЕТА — қуёш атрофида айланиб юрвчи сайёралар мазмунини ифода этадиган бу сўз лотин тилидан кириб келган бўлиб, «аданиб юрвчи» деган маънони билдиради.

Планеталар ғоят катта шарлардир. Улар ўлчамлари ва ёруғлик нури чиқармаслиги жиҳатидан Ерга ўхшаيد.

«Астрономия» китобидадан

БҮЛДҮРУҚ — аёли, совуқ кунлари ёки туман пайтларида нам ҳаво зарраларининг музлаши натижасида ҳосил бўладиган майда қаттиқ қор; қиров.

Эрталабки туман тарқалиб, дарахт шоҳларига ёпишган булдуруқ зарралари гавҳардай ялтйрай бошлайди.

Асқад Мухтор

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

— Ўзига тўқ, давлатманд ва шунга яраша ўлгудек зикна амаким бор, — дейди Бехзод деган йигит. — Бир куни у киши менга уйини таъмирлатиш учун яхши уста топиш кераклигини айтиб қолди. Ўртада мен турибман-ку, ўзимни қора қилмас деган умидда бир ўртоғимни айтиб кел-

САБОҚ

— Э, топган устангни қара-ю, иши менга ҳечам ёқмади. Ана кўр, бошқа уста олиб келиб, уйни бошқатдан таъмирлатдим! — дея бақирди.

Ишонмай, уйга кирдим. Уй ўртоғим таъмирлагандай турарди.

— Нима қиласиз алдаб? Ҳақини бермайман, деб кўяқолмайсизми? — дедим амакимдан ранжиб.

— Бермайман, айт, қаерга борса, бораверсин!

Қани, бу гапларни оғайнимга айтосам. Яна бир дўстимдан қарз кўтардимда, уста оғайнимга амакимнинг номидан пулни олиб бориб бердим.

Кейин нима бўлди дерсиз? Атиги бир ойдан кейин амакимнинг уйда ёнгин чиқиб, иморатларининг кули кўкка совурилди.

Бу айни ҳақиқат, бўлган воқеа. Шундагина мен қадимги ота-боболаримизнинг «Устанинг пешонасидаги тери қурмай туриб ҳақини беринг» деган ўғитида бир ҳикмат борлигини англадим.

Саодат ХОЛИМатОВА

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Онам эккан райҳонлардай севаман сени,
Сутга чайган оқ тонглардай

севаман сени.

Ифорлари бодомлардай севаман сени,
Озод юртим, минорлари бўйи осмоним,
Йигирма ёшинг қутлуғ, Ўзбекистоним.

Сен қуёшсан, чарақлаган нури довоним,
Оппоқ қордай бирам софсан,

борлиқ илҳомим,

Кўз очиб кўрган Ватан — толе,

иқболим,

Озод юртим, минорлари бўйи осмоним,
Йигирма ёшинг қутлуғ, Ўзбекистоним.

Қўли доим дуоларга очик момонинг,
Тақдир-пешонаси кулаган бобоминг,
Райҳонидан дасталайман

бузуи онаминг,

Лаҳзаси йилларга тенг бегубор тонгим,
Йигирма ёшинг қутлуғ, Ўзбекистоним.

ГАР ЁНИНГДА ОНАНГ БЎЛМАСА...

Татмайди дағиллама тўй,
Ширин бўлмас минг ширин ҳам қўй,
Тарк этмайди хотираю ўй,
Гар ёнингда онанг бўлмаса.

ШУКУҲ



Дўстларинг ҳам жуда кўп бўлса,
Фарзандларинг ёнингда юрса,
Лек юракда бир гашлигинг бор,
Гар ёнингда онанг бўлмаса.

Бойлигинг кўп, давлатинг бисёр,
Масруран-у, жуда бахтиёр,
Аммо танда битта дардинг бор,
Гар ёнингда онанг бўлмаса.

Меваларинг пишган боғингда,
Тукс бўлаи беғам чоғингда,
Нимадир кам дил ардоғингда,
Гар ёнингда онанг бўлмаса.
Маҳмиё ХАМРОЗ

Устанинг ҳақи

дими. У яхши уста эди.

Хуллас, ўртоғим иш бошлади. Аммо амаким унинг ҳар ишдан айб топар, таъмирланаётган уйга турли ўзгартишлар киритаварди. Ўртоғим оғир-босик йигит эди, бошлаган ишини тугатиш учун тишини тишига қўйиб чидади.

Аммо иш тугатгач амаким уни қуруқ қўл билан кузатиб қўйди. «Бехзоддан бериб юбораман», деди ва бу гапга ўртоғим ишонди.

Лекин орадан бир ҳафта ўтса ҳамки, амакимдан садо чиқмасди. Мен кўчада оғайнимни кўриб қолишдан чўчирдим. Ахйир, чидолмай амакимнинг ҳузурига бордим.

— Уста ҳақини сўраяпти, мени ҳижолат қилмай бериб юборинг, — дедим.

Амаким тутақиб кетди.

Мазкур фермер хўжалиги аъзолари муостақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш учун деҳқончилик соҳасидаги бой тажрибаларини ишга солиб, гаалдан мўл ҳосил олиб, эълурт фаровонлигига баҳоли кудрат ўй улушларини кўшган бўлсалар, айна кунларда пахта далаларида ҳам иш қизғин. Улар саратоннинг ниҳоллар ривож учун ганимат саналган ҳар бир даққасидан унумли фойдаланиб ишлашмоқда. Хўжалик раҳбари Эшбой ака ҳар бир тонгни ўзгача меҳр билан қарши олади. Атрофга ҳали гира-шира ёруғлик индамасданок, жонажон кишлоғи Оқмангитдан 26 қақирим олисда жойлашган, янгидан барпо этилган Янгиобод фермер хўжаликлари ташкил этилгани яхши самаралар бермоқда. Куйида туманда ўзига хос мавқега эга бўлган "Умсин момо" фермер хўжалигининг фаолияти ва эришайётган ютуқлари, хусусида сўз юритамиз.

Пастдаргом Самарқанд вилоятининг пахтачилик, галлачилик ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос мактаб яратган туманларидан бири. Айниса, сўнги йилларда бу ерда мамлакатимизнинг бошқа худудларида бўлгани каби ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этилгани яхши самаралар бермоқда. Куйида туманда ўзига хос мавқега эга бўлган "Умсин момо" фермер хўжалигининг фаолияти ва эришайётган ютуқлари, хусусида сўз юритамиз.

КИШЛОҚ ҲАЁТИ

Асосийси, уни ҳеч қачон алдаб бўлмайдди. Алдамоччи бўлганлар ўзини алдайди. Бу бор гап. Биласизми, умрим мана шу далаларда ўтди, бахтимни ҳам, омадимни ҳам даладан, ҳалол меҳнатдан топдим. Раҳматли рафиқам Саодатдан билан яхши-ёмон кунларда яшаб, шукр-

Эшбой аканинг эзгу амаллари



шукур қиламан, — дейди "Умсин момо" фермер хўжалиги раҳбари, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Эшбой Таниев. — Хўжалигимиз тасарруфида 291 гектар ер бор. Шунинг 100 гектари гаалла, 128 гектари пахта. Ўтган йили 400 млн сўмдан зиёдроқ даромад олдик. Шундан 190 млн сўми соф фойда

бўлди. Йиллар давомида қилган фойдамиз эвазига уйлар қуриб, Қумтепа массивида — чўл бағрида Янгиобод кишлоғини барпо этдик. Ишчиларимизнинг дам олишлари учун 5 та дала шийпони қурдик. Ичимлик суви учун артезиан қудуқлар қаздирдик. Экинларни суғориш мақсадида Эски Анҳор каналига насос ўрнатдик. Ҳа, айтганча, богимиз, теракзоримиз, чорва молларимиз ҳам бор.

Эшбой ака камтарлик қилиб айтмаган бўлса-да, айна пайтда бу ерда мазкур фермер хўжалиги маблагги эвазига 300 ўринли шинам мактаб биноси ҳам барпо этилаётган экан. Аҳамиятли жиҳати шундаки, фермер хўжалигининг мўъжазгина қурилган бошқарув идораси ва у ердаги деҳқончиликка оид адабиёт ва қўлланмалар, марказий нашрлар тахлами, ишчиларнинг кўнгилли дам олиши учун ажратилган хоналар — барчаси Эшбой Таниевнинг нафақат тажрибали деҳқон, байлик юксак дидли зиёли, қурувчи эканидан ҳам далолат бериб турибди.

— Она ер нақ ҳазина, — дея сўзида давом этади ҳақрамонимиз. — Уни қанчалик эъозласасан, у ҳам бизни шу қадар эъозлайди ва бор саховатини аямайди.

ки, ҳеч қимдан кам бўлмадик. 7 нафар фарзандни оёққа турғиздик. Маҳалламиздаги ижтимоий ёрдамга муҳтож йигирмадан ортиқ оилага ҳам қўлдан келганча кўмак бераёямиз. Муқтазиллик туйғули мана, менга ўшаган неча юзлаб одамлар чин маънода мулкдор бўлди. Бундай замонларни ота-боболаримиз бир умр орзу қилиб ўтган. Хирмонимиз донга, дастурхонимиз нонга тўлди. Рўзгорларимизга қут-барока кирди. Қолаверса, шу тинч, осойишта, тупроғи олтин, осмони беғубор юртининг фаровонлиги йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак, шунча оз. Озод ва обод юртимизнинг нурли ва ёруғ келажаги буюк эганига шубҳа йўқ.

Ҳа, кишлоқ мулкдори Эшбой Таниев алоҳида урғу бериб таъкидлаган эгаллик ҳисси бугун чин маънода ҳар бир юртдошимизнинг қалбиде, юрагиде илдиз отаётди. Шу азиз Ватан ўзимизники, шу бобомерос тупроқ бизники, унинг гуллаб-яшнамоғи учун ёниб, жўшиб яшамоқ ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини унутмайлик. Бу фарзандларимиз тақдирига ҳам бево-сита дахлдор улғу туйғулардан бири-дир.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири,
Самарқанд вилояти. (1)

Йўл-йўлакай кўшни хўжаликларга тегишли бўлган майдонлардаги аҳволни ҳам синчковлик билан кузатиб, ўз далалари билан қиёслайди. Тафовут ва афзалликларни чамалайди. Қаерда иш қандай кетаяпти, қаерга қандай эътибор керак, ҳаммасини дарҳол илғаб олади. Бугун ҳам шундай бўлди. Кўзни янашатиб турган кўм-кўк гўза пайкалларини айлиниб чиқаркан, у ўзини анча енгил ҳис этиб, қилинадиган ишлар, режалар ҳақида ўйлаб кетди...

Гапнинг очиги, фермер хўжалигида яратилган шарт-шароитларни кўриб қувондик. Асфальтланган йўл ва унинг атрофига экилган мевали дарахтар, яшилликка бурканиб улғурган атиргул кўчатлари бир қарашдаёқ кишининг бахри-дилини очади. Хўжалиқдаги саранжом-сарийшталик, ҳар бир ишининг аниқ тартиб асосида ташкил этилгани ҳам мактовга аризуликдир.

— Ҳар тонг далага отланарканман, аввало, тинч ва осойишта давлатда, бағри кенг, оқибатли инсонлар билан ёнма-ён яшаётганим, ишлаётганимга

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

Имтиёзлар — тараққиёт кафолати

до ва умумовқатланиш корхоналаридан ташқари) 7 фоиздан 6 фоизга туширилди.

Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фойда солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мулк солиғидан асосий ишлаб чиқариш фондлари билан боғлиқ қисмидан озод қилинган. Бундай имтиёзлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволи анча яхшиланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари миқдори ва товар айланмаси ошмоқда, бу эса кўплаб иш ўринларини яратиш имконини бераётди. Бу йўналишдаги ишлар яна давом эттирилиб, жорий йилда 478 мингдан зиёд янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Шундай экан, аҳоли фаровонлигининг муштахкам омилли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янада кенгрок қўллаб-қувватлаш давлат солиқ сиёсатининг устувор вазифалардан бўлиб қолавериши шубҳасиз.

Фарҳод ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод туман ДСИ ходими.

имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмни такомиллаштириш ва унификациялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича давлат солиқ хизмати ходимлари зарур чора-тадбирларни амалга ошираётди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти-ни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда давлатимиз томонидан солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилган алоҳида эътибор ўз самарасини бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини изчил қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги беш йил давомида ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз пасайтирилди. Бу кўрсаткич 2005 йили 13 фоиз бўлган бўлса, 2010 йили 7 фоизни ташкил этди. Жорий йилда эса ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси микрофирма ва кичик корхоналар учун (сав-

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таъинига, юртимизни тараққий эттиришда фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Хусусан, 2000 йили ялпи ички маҳсулотнинг 31 фоизга яқини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келган бўлса, 2010 йили бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил қилган. Бугунги кунда юртимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан кўпроғи шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 февралда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу боғрадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга кенг йўл очаётди. Давлат дастуриде кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар учун бир қатор янги имтиёз ва енгилликлар кўзда тутилган. Жумладан, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш,

Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодий салохиятининг ўсиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши билан боғлиқ омиллар орасида хусусий тадбиркорлик асосий ўринни эгалламоқда. Шу боис Юртбошимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан бу соҳага берилаётган катта эътибор ва рағбат муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги "Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган

Манфаатдорлик ошмоқда

фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарориде кўрсатиб ўтилганидек, яқна тартибдаги ишбилармонлар учун қатор қулайликлар яратилди. Биргина Бектемир тумани мисолида тўхталадиган бўлсак, шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб фаолияти тўхтатилган яқна тартибдаги тадбиркорлар сони 87 нафарни ташкил этган бўлса, қайта давлат рўйхатидан ўтганлари 56 та, юридик шахс сифатида қайд этилганлари 17 та, давлат реестридан чиқарилмаган ЯТТлар сони 1 та, қолганлари эса 14 тадан иборатдир.

Юқоридаги қарор талабларига мувофиқ, фаолият тури тўғри келмайдиган тадбиркорларнинг давлат реестридан чиқарилиши ёки бошқа мос келувчи фаолиятга ўтказилиши бўйича туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси билан ҳамкорликда хусусий тадбиркорлар ўртасида кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётгани катта самара бермоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 июндаги "Хусусий тад-

биркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам тегишли тартибда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалий ишлар олиб борилапти. Бу эса ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари қонуनлар билан кафолатланган тадбиркорларни янада фаолликка юртимиз тараққийига кўпроқ улуш қўшишга ундамоқда.

Муҳаммадҷон ИСАҚОВ,
Тошкент шаҳар Бектемир туман ДСИ бошлиғи ўринбосари.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- Тикуччилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой, 4 ой уқув.
- Ҳамшира (тезкор) — 3 ой (амалиёт билан).
- Тиббий массаж — 2 ой, Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
- Педикюр, маникюр — 1 ой.
- Сартарошлик — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва мақиях — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
- Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
- Тўкуччилик — 2 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан
Етоқона мавжуд.
Ўқини тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72 (18⁰⁰), 225-97-93 18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача.
ФУЛИЯЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Қўйлик киний бозори. Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

«Ўзкоммуўкувташкелотчи» республика ўқув маркази

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»

ўқув курсига тақлиф қилади
Ўқиш даври — 1 ой

Манзил: Тошкент шаҳри Ниёзбек йўли кўчаси, 1. («Минор» метро бекати)
Тел.: 234-17-08, 343-94-98

Маънавият эса инсоннинг ички оламида, ахлоқ ва тушунчасида, миллатнинг ахлоқий яшаш тарзида собит бўлган ижобий хислатдир. Маънавият — моддий нарсаларга таслим бўлмайдиган ички, ботиний куч-қувват, ахлоқий баркамолликдир.

130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб келаётган Ўзбекистонда миллий урф-одатларнинг анъана сифатида сақланиб қолиши, шунингдек, бошқа халкларнинг ҳам яшаш, турмуш тарзига таъсир этиб, улардан таъсир ҳам олиши ҳаёт қонунияти ҳисобланади.

Баъзи урф-одатлар борки, улар миллатнинг ахлоқий даражасини ифодалайди. Биз бугундан эътиборан газетамиз саҳифаларида халқимизнинг ахлоқий таянчи, одоб, маданият ва маънавият тамойилига айланган баъзи миллий урф-одатларимиз ҳақида сўз юритамиз. Ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари, ахлоқий тамойиллари шу халқнинг мақолларида акс этиши рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

«Урф-одат» ибораси бир халқнинг анъанасига айланиб кетган, умумхалқ томонидан қабул қилинган тартиб-қоидалар, одатлар, таомиллар, расм-русумларни билдиради. Масалан, миллий тўйлар, миллий ўйинлар, миллий байрамлар, миллий анъаналар, миллий маданият қабиларни айтиш мумкин.

Иzzат-хурмат тамойили

Бу бизда миллий урф-одат тусини олган. Катталарга иззат, кичикларга хурмат миллий ахлоқ-одоб қоидаларидан биридир.

ЎЗГА ЕРДА ЎЗГА ОСМОН ЙЎҚ

«Хурмат қилсанг, иззат кўрасан».

Яъни, ўзгани хурмат қилган киши ўзи иззат топади, аксинча, бировни беҳурмат қилган киши ўзи беиззат бўлади.

«Кичикни мақта, каттани сақла».

Кичикни яхши сўз билан яхши ишга, яхши йўлга сол, каттага кучига лойиқ ишни айт, тоқатидан ортиқ нарсани буюриб, беҳурмат қилма, унга озор етказма.

«Кичикни ёш дема, кесакни тош дема».

Кичик ҳам бир куни улғайиб, улуғлар қаторига қўшилиши бор. Унинг ақли ва қобилиятига қараб, оқилона муомала қил. Шунингдек, кесакни тош дема, бировга у лойиқ бўлмаган сифатни ҳам тақам.

«Кичикни кичик дема, ақли расо кичик бор, каттани катта дема, ақли расво катта бор».

Иzzат-хурмат мезонини белгилашда ақл-заковат билан иш кўргин.

Ватанни севиш

Бу миллий маданият тусини олган ахлоқий анъаналардан биридир. Айниқса, истиқлол даврида Ватан туйғуси долзарб мавзуга айланди. Ватанга муҳаббатни айнан урф-одат деб бўлмаса ҳам, лекин бу маънавиятимиз



негизини ташкил этган, миллатимизга хос ва мос бўлган ахлоқ мезонларидандир. Мумтоз шоирлардан бири: «Муҳаббат ўзи эски нарса, лекин ҳар бир кўнгил уни янгилайди», деб ёзганидек, ватансеварлик, юртпарварлик миллий ахлоқ намунаси экани «Ватанни севиш иймондандир» деган ҳадисда, шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мақолларида ўз ифодасини топган.

«Ватанинг тинч — сен тинч».

«Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас».

«Ватан гадоси — кафан гадоси».

«Ватансиз инсон — куйсиз булбул».

«Ўзга юрда султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл».

Мақол китобларида учрамай-

диган, аммо халқ тилида мавжуд бўлган ушбу ҳикматли сўзларга диққат қилайлик:

«Чарх жавридан Ватанни тарк этма, ўзга ерда ўзга осмон йўқ».

«Мусофир ҳар қайда бўлса, ватанин соғинар, Булбул ҳар қайда бўлса, чаманин соғинар».

«Сафар ахлига работ ватан бўлмас».

Бу каби мақолларда Ватанни севиш, унга содиқ қолиш зарурлиги, униб-ўсган ерга нисбатан ношукрлик, беҳурматлик қилиш ёмон оқибатларга олиб бориши ўқтирилади. Дарҳақиқат, халқимиз учун Ватанни севиш миллий маданиятга, доимо янгилиниб турувчи анъаналардан бирига айланган.

Саховатпешалик

Бу ҳиммат ва саховатни ифодалайдиган халқ урф-одатларидандир. Халқ мақолларида миллий урф-одатга айланган юксак ахлоқий тамойиллар акс этади:

«Сахий топса, бўлиб ер, бахил топса, босиб ер».

«Бахилнинг боғи кўкар-

мас».

«Ботир топса, барча ер, бахил топса, ўзи ер».

«Сахийнинг ўнг қўли берса, чап қўли билмас».

«Сахийнинг қўли очик, қўли очикнинг йўли очик».

«Сепган хирмон қилур, сепмаган армон қилур».

«Халқ бор ерда ҳақлик бор».

Сен етиштирган ҳосилда муҳтож ёки меҳнат қилган кишиларнинг ҳаққи бор, уларнинг ҳаққини адо қил.

«Ҳиммати йўқнинг хурмати йўқ».

Алишер Навоий айтдилар:

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,

Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг хурмати.

Муфлис — ҳеч нарсаси йўқ, савдоси касодга учраган, камбағаллашиб қолган кишидир. Демак, ҳиммати йўқ киши, гарчанд бой бўлса-да, маънавий жиҳатдан қашшоқдир, бас, ҳиммати йўқнинг хурмати ҳам йўқ.

Бийиклик келди ҳимматдин нишона,

Ки ҳимматсизни паст этди замона.

Улуғлик, азиз бўлиш ҳимматдан нишонандир. Ҳимматсизни замона — давр, вақт, борлиқ паст қилиб, беиззат қилиб кўяди.

«Оила ва жамият» муҳбири Бобур КЕНЖАБОВ тайёрлади.

... Сизга яқин бордим. Орамингдаги масофа ҳеч қанча эмас. Аммо... ёнингизга йўлай олмадим. Сиз мен илгарилари сира кўрмаган тақаллур билан бегона бир аёлга илтифот кўрсатар эдингиз. Унга табассум тортиқ қилганча қўл силкидингиз. Кейин ён-атрофингизга ўринча термулиб, дарахт соясида турган ҳаворанг «Матиз» томонга шайт билан юрдигиз. Мен ўзимни одамлар орасига урдим. Агар анови, сиз мулозамат қилган аёлни танимаганимда, эҳтимол, сўна бошлаган нафратим тақдор аланга олмасмиди? Уч йилдирки, дилимни кемирган иқроримни баралла айтмасам-да, нигоҳларим орқали баён этардим. Аммо...

Худди уч йил илгари рўй бергани каби сизни яна бегона аёл билан учратдим. У билан муносабатингиз самимиятдан кўра кўпроқ кўнгилхушликка ўшаб кетарди.

— Э-э, бундайларга кўпман ишонаверма, дугон, улар худди модельерлар либос алмаштиргани каби маъшуқа алмаштираверади. Ана, сен ишонган валломат, ҳали уни, хали бунга етаклаб юрибди. Қошигини чимирма, кўрганини айтаман...

Мен ўшанда дугонанинг гапларига парво қилмадим. Сизнинг дил изҳорингиз битилган мактубни кўксимга босганча тонлар оттиравердим. Тирик жон борки, ширин сўзга маҳтал яшаркан, ахир. Бир хонада ишлаб ўтирганимизда кўнглимга йўл топиш учун нималар қилмадингиз. Ҳар куни эрталаб иккинчи қаватдаги деразамизга боққанча келганимдан хабар топсангиз, юрагингиз ҳаприқиб кетишини энтиқиб айтиб қолардингиз. Мен ишга келмасам, бир жойда ўтиролмаслигингизни пичинг қилиб кўядиган қотиба қиз ҳам бахтиёрлигимизга суқланиб қарарди. Мен-да тақдирнинг ўйинларига тан бериб сизга дилимни очдим. Аммо... Бахтиёрликнинг ҳам поёни бор экан. Сиз мен бир ойлик таътилга кетганимда батамом ўзгардингиз. Ишга тушишимга бир кун қолганида чиқолмадим. Сизни кўргим, ширин каломингизни тинглагим келди. Хонангиз эшигини очмоқчи бўлдим-у, таққа тўхтадим. Ҳаяжон ичра энтиқкан нафасини ростлаб олмақчи бўлдим. Сиз ким биландир телефонда гаплашардингиз: «Э, Анароҳон, менга

ишонинг, бориб-бориб сизни ўша лабораторга алмаштирамани? Бу шунчаки эрмак... Сиздек ақли расо бош ҳисобчи билан уни тенглаб бўладими. Жоним сизники. Хи-хи-хи... Унимми? Кўрганам йўқ, ўзи мени кўрса ҳаяжонланиб юради... Ёшда, романтик! Кўрқманг, жонидан, мен фақат сизникиман, сизники...»

Мен турган жойимда тахта бўлиб қотиб қолдим. Ичкарига киришни ҳам, нари кетишни ҳам билмай турганимда,

Сурати султон, сийрати шайтон

ўзингиз эшикни очдингиз. Менинг дахлизда қотиб турганимни кўриб рангингиз ўчди. Талмовсирганча «Келинг, бону, келинг», дея зўрга гўлдирадингиз. Бирор нимадан шубҳалангандек, «Сиз, сиз... анчадан бери шу ердаядингиз?» дея қаттиқ тикилдингиз. Мен ҳамон ҳайкалдай қотиб турардим. Шу тобда на йиғлашни, на кулишни билардим. Аҳволим жуда-жуда аянчли эди. Сиз нима-нидир сезгандек атрофимда гирдиқалалак бўлдингиз. Мени хонага тақлиб қилдингиз. Бир муддат қотиб турган, ўзимни кўлга олдим. Сизга сир бой бермасликка ҳаракат қилгандек кулимсирардим. Ҳар ҳолда, ўзимни тутишга интилдим. Юрагимдаги муз аввал кўлларимга, сўнгра лабларимга кўчди. Сизга бўлган муҳаббатим ўрнини бир сонияда кучли нафрат эгаллади. Биринчи ҳар кўрганда сирли жилмайиб кўядиган Анаранинг қиёфаси кўз олдимга келди. У шу тобда бир чеккада турганча ғариб ҳолимга кулаётгандек эди...

— Телефондаги гапларни эшитдингизми, дейман. Бону, ахир, бу ҳазил, биз ҳалиги... ҳисобчи аёл билан дўстимиз, ҳолос. Шунга шунчами? Сиз унга ўзингизни тенглаштирманг, илтимос, унинг шармандалигини ҳамма билади...


«Ўзингизни унга тенглаштирманг...»

Нобакор, ахир, бу гапни бир сония аввал менга нисбатан ишлатганини ўз кулогим билан эшитдим, энди эса... Сиз қиёфанингиз маккорлик билан бир зундаёқ ўзгартирдингиз, сўнгра атрофимда гирдиқалалак бўлишда давом этдингиз. Охири тилимга калима келди:

— Котибада ишим бор эди. Шунга келганим.

— Бошлиқ ҳам кўримайдими?

— Котибамиз шу атрофда. Бошлиқ ҳар



доимгидек хизмат сафаридалар!

Мен тилга кирганим боис сиз жонландирдингиз. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек кўлларимдан ушлаб ичкарига тортидингиз.

— Қаранг, бону, хонани сиз севган настарин гулларига тўлдирдингиз. Эртага келасиз деб яна бир кучоқ териб чиқмоқчийдим, афсус улгурмадим...

Шу тобда бир бўзалик шубҳа ўртадан кўтарилгани сезилди. Мен алашим-

ОЙНА

ни ютиш учун яна зўрма-зўраки табассум қилдим. Эҳ, номард, бевафо дея юзингизга шапалоқ тортиб юборгим келарди. Сиз гўлдонда турган гулларни менга тутдингиз. Шу пайт эшик очилди-ю, ўша ҳисобчи хотиннинг бўёқдан асл рангини йўқотган башараси намоён бўлди.

— Бой бола, бизга аталган бир кучоқ гулнинг эгаси топилдими дейман? — Аёл беўшов қиқирлаганча эшикни ёпиб қўйди. Оёқларимгача музлаб кетди. Бу аёлнинг енгилтақлигини, уч мартаба турмуш куриб ҳам кулолмаганини билардим. Бориб-бориб мени унга алмаштиргангиз жонимни қақшатиб юборди. Бир даста гулнингиз гўлдонга қараб отганча эшикка отилдим. Шу кетганча уч кундан кейин ишхонага келдим ва бўшаш учун ариза ёздим. Бошлиқ сабабини узоқ суриштирди. Сир бой бермадим.

Сизга қанчалик қаттиқ боғлиниб қолган бўлсам, ўртамингдаги риштаннинг узилиши шунчалик қийин келди. Ўртамингда ўша ҳисобчи гов бўлди, деб айтолмайман. Сизнинг хатти-ҳаракатларингиз менда шубҳа уйғотиб, аста-секин асл қиёфанингизни илғай бошлаганим. Сиз ҳақингизда турли гаплар тарқалди: «Ёшгина йигит умрини ҳазон қилиб, бир жувонга илахишиб қолса-я!.. Э-э, нимасини айтасан, у хотинга бунинг пули керак... Ўлсин, пули керак бўлмай, чимилдиқ кўрмаган Йигитни йўлдан урадимни келиб-келиб!..»

Йўлларимиз айролигига тан беришдан ўзга чорам қолмади. Ўз ҳаёт йўлимни ўнглаб олдим. Бу орада сиз менинг ишхонамга неча мартабала сиз қоқдингиз, байрамларда йўқлаб турдингиз. Лекин мен... ортага қайтишни ўзимга раво кўрмадим. Кўнглимда қолган бўшлиқ ўрнини тўлдиршим оғир кечса-да, айрилиқ азобини енгиб ўтдим. Ҳаёт йўлимда сурати билан сийрати ўшаш қалбини учратдим. Унинг кўзларида ёлгон йўқ, нафси лойқаланмаган, нигоҳлари тоза, ботинан бой. У сиздан қолган чандиқнинг тузалишига далда бўлди, ақли билан шууримни тўлдирди...

Нигора ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ

ТАБИАТ – ДОРИХОНА

АЖАБ ОЛАМ

Авжи саратон маҳали кўпчилигининг поллиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи кескин ошади. Айниқса, қовун ўзининг хуштам ва лаззатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Хўш, бу ажойиб неъматнинг инсон саломатлигига қай даражада фойдаси ва зарари бора?

Табобат ва замонавий тиббиёт илми мутахассисларининг таъкидлашича, сифатли қовун биринчи навбатда ичти тазалайди. Мияни намлиқдан (рутубат-

қатдан кейин ошқозонга оғирлик қилса, сирка ичилса, зарари кетиши кўп бора таъкидланган.

Уруғи янчиб боғланса, кўзнинг шиш ва оғриқларини кетказади. Шунингдек, қаттиқ шишларни ҳам йўқ қилади. Томирини 4,5 граммдан 9 граммгача янчиб, истеъмоладан қилинса, қаттиқ қайт қилдиради

Айтишларича, қовун қирқдан ортиқ

Мураббоси

Қовуннинг эти қаттиқ ва хушбўй кўкча, шакарпалак, амири каби навларининг унча пишиб кетмаганлари танланиб, уруғи ва уруғи атрофидаги юмшоқ қисми олинади. Сўнг пўсти арчилиб, 2-3 сантиметрли бўлақларга исталган шаклда бўлинади ва 3-5 минут (пишиш даражасига қараб) қайнаб турган сувга солиб олинади, совигандан кейин устидан қиём куйиб, уч марта (ораси 8 соатдан) қайнатилади. Пишириш охирида таъбаб кўра ванилин ва лимон кислотаси қўшилади.

1 кг пўсти арчилган қовунга 1,2 кг шакар, 2,5 стакан сув ва 3 г лимон кислотаси керак бўлади.

Мураббони банкларга иссиқлигига ёпиш керак. Агар иложи бўлмаса, банклар стерилланиши керак. Бунинг учун 0,5 литрлик банклар 90 даража иссиқликда 10 дақиқа, 1 литрлик банклар 12 дақиқа стерилланади.

Қоқиси

Ширадор, сувли ҳамда эти зич қовун навлари танланади. Аввалига қовун бутунлигича сўлитилади, сўнг икки палла қилиб кесилади, пўсти арчилиб, 2-4 см қалинликда тилмлаб кесилади. Саватларга жойланиб ёки зангламайдиган симларга 8-12 кун осиб қўйилади. Қовун қоқи юмшоқ, қайишқик, оч сариқ ёки оч жигар ранг тусда бўлиши лозим. Қоқиси асосан қиш ва баҳор фаслида истеъмоладан қилинади.

Бобурбек тайёрлади.

Мушуклар

«ҚАХВАХОНАСИ»


“Агар уйингизда мушук бўлмаса-ю, аммо ёқимтой мушукчанинг юмшоқ, момик жунларини жудаям силагингиз келса, махсус қаҳвахонамиз сизга беминнат хизмат кўрсатади!” дея ўз тақлифларини билдиришда осиелик тадбиркорлар. Бу каби қаҳвахоналар илк бора Япония ва Тайванда очилган бўлиб, ҳозирда ҳам айнан шу мамлакатларда кўпроқ учрайди. Сабаби, Осиенинг аҳоли зич яшайдиган баъзи давлатларида қонунчилик ёки ижара қоидаларига асосан, одамларга уйларида мушук сақлаш ман қилинган. Бу ҳолат қайсиладир маънода аллергия касалликлар ва гигиеник муаммолар хавфи орттириши билан боғлиқ. Шу боис маҳаллий аҳоли мушуклар билан учрашиш учун унча қиммат бўлмаган нарҳда чипта сотиб олиб, махсус парвариш жойларига ташриф буюради.



Азалдан осиеликлар, айниқса, японларнинг мушукларга меҳри ва майин жунларининг шиғобохшлик хусусиятига ишончи жуда баланд бўлган. Ҳатто бундай даво усулига фелитотерапия деган атама қўлланилади. Мушуклар ўз ҳужайинининг нафақат қайфиятни кўтарари ёки руҳий ҳолатини яхшилашда, балки юрак-қон томир хасталикларини, умуртка погоналарини ва бўгинлардаги турли касалликларни ҳам даволай оларкан. Шунданми, аксарият японияликлар турли қўнғилосига барлардан кўра мушуклар қаҳвахонасига кириб ҳордиқ чиқариш ва даволанишни хуш кўришаркан.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

Қирқ иллатга даво



ш) сақлайди. Баданни семиртиради, аъзолардаги тугунларни очади. Шунингдек, истиско ва сариқ касалликларига фойда қилади. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиради, сийдик ва терни равонлаштиради. Яна бир ажойиб хусусияти шундаки, буйрак ва сийдикдаги тошларни майдалаб туширади.

Шифобахш жиҳатларидан яна бири, жигардаги тугунларни очади, сийдикни ҳайдайди. Буйрак, пешоб ва ичаклардаги ортиқча нарсаларни чиқариб ташлайди, ичакни юмшатади, ҳаракатсиз қолган моддалар фаолиятини тезлаштиради. Шунингдек, йўталга, кўкрак ичидаги аъзолар оғригига даво бўлади. Тил ва ҳалқум ичидаги дағалликни кетказади, иссиқ ва мураккаб иситмаларга шифо бўлади. Қовун жинсий хасталиклардан бири – сўзақни тузатади. Жигар ва сийдик йўлларида жуда фойдали.

Ақсинча, қон босими юқори ва иссиқ миҷозли кишиларга салбий таъсир кўрсатиши, кўз оғригини пайдо қилиши ҳам мумкин. Оч қоринга истеъмоладан қилинса, қоринда оғриқ ва иситма пайдо бўлади. Овқат устидан дарҳол ейилса, ичти тез кетказади. Оғир овқатдан сўнг ейиш зарарли бўлиб, бадандаги аъзоларда тугунлар пайдо қилиши ҳам мумкин. Истеъмолининг энг яхши вақти овқат ҳазм бўлгандан кейинги пайтдир. Агар ов-

иллатга, жумладан, пес, мохов, жинилик каби хасталикларга ҳам даво бўлиши, жинсий қувватни ошириши билан алоҳида ажралиб туради.

Косметикада

Қовун уруғи пўсти билан янчиб боғланса, бадан терисидидаги ҳар қандай доғларни яхши кетказади. Сепкилни исзис йўқотади. Янги пўсти юзга суртилса, терини тазалайди ва рангини очади.

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!



одатлардан холи, диёнатли инсонга турмушга чиқмоқчи.

АЗИЗА, Тошкент шаҳри.

«Эсимда, қўшнимиз Салима опани кўрдик дегунча, у кишининг ёнига чопардик. Каттагина чарм сумкасидан конфет олиб, ҳаммамизга улашарди. Билмадим, негадир бизга бу ширинликларнинг мазаси бошқача туюларди. Сўнг сумкасини қўлмақўл кўтариб уйлариғача кузатиб кўярдик...»

Институтни тугатиб, Салима опа хизмат қиладиган ташкилотга ишга жойлашди. Опа ҳамкасбларига ҳам меҳрибон, барчага тўғри йўл кўрсатиб, насиҳатини аямайдиган жонқуяр экан. Тушликни бирга қилиб, анчагина яқин бўлиб кетдик. Кейин билсам, ўтириб йилгаса, минг йил йилгайдиган дарди бор экан кўнглида. Бир куни ўтмиши ҳақида гап очди. Ақсининг синфдошига кўнгли қўйгани, совчиларга ота-онаси розилик бермоқчи бўлганида ақаси тиш-тирноғи билан қарши турганини айтди. Келиноийиси «Акангиз сизнинг бахтингизни ўйлапди, синфдошининг тутқаноқ касали бор экан», дебди. Уч ой ўтар-ўтмай, ўша йил Салима опанинг дугонасига уйланибди. Кейинчалик маълум бўлишича, келиноийси ўзининг қариндошига келин қилмоқчи бўлиб, ақасидан фойдаланган экан. Шундан сўнг Салима опа келиноийсининг қариндошига турмушга чиқибди. Шавкат ака билан бахтли яшай бошлабди. Лекин фарзандли бўлмабди. Ўн йил деганда қонуний ажрашишибди. Шу-шу, ёлғиз яшай бошлабди. Салима опанинг ёши 50 да. Маълумоти олий. Фарзанди йўқ. Асли бухоролик. Тошкентда яшайди. 55 ёшгача бўлган, иши тайин, зарарли

«Эркак кишининг оиласида тинчи бўлмаса қийин экан. Ота-онанинг раъйи билан Зулфияга уйлангандим. Ота-онаси шаҳарда, у эса бувиси билан қишлоқда яшаган экан. Шу туфайли Зулфия эрка-тантқиқ бўлиб вояга етган, у ҳатто ота-онами ҳам хурмат қилмасди. Бувисиникига хабар олгани борса, ўзгариб қайтар, ўзи овқат еган идиш-товогини ҳам ювмасди. Кизчамиз туғилгач, онам бечора келингу неваря ташвиши билан йўқлов жойларга ҳам боролмай қолди. Кишининг ҳақратон кунлариди шамоллаб ётиб қолдим. Зулфия боламга юқмасин деб, тугунини тугиб бувисиникига кетди. Икки ҳафта тўшақдан туролмадим. Аҳволинг қандай демади. Ота-онанинг боланг тирик етим бўлади-ку, дейишларига қарамай, алам билан ажрашишга қарор қилдим. Қонуний ажрашдим. Иккинчи марта уйландим. Кўргулик экан, Насибанинг буйраги болалигида шамоллаб, узлуқсиз даволаниб юраркан. Битта фарзандли бўлгач, йиллар давомида касалхонадан бери келмади. Ота-онаси «Қизимизнинг жони, ҳаёти биз учун азиз, илтимос, бизни тўғри тушуниб қув, ажрашмасаларинг, аҳоли нима бўлади?! У энди кўз олдинимизда яшасин, қизингиздан ха-

бар олиб туриш», деди. Дўхтирлар билан маслаҳатлашгач, қонуний ажрашдик. Тўрт йилдириқ, ёлғиз яшаялман. Умидим сизлардан. Ёшим 40 да. Маълумотим олий. Фарзандларим оналари билан яшайди. Ёшимга мос, мени тўғри тушунадиган, оқ кўнғил, уйим-жойим дейдиган аёл учраса, мустаҳкам оила қурмоқчиман.

САНЖАР, Жиззах вилояти.

«Синглим Райхоннинг вақтида турмушга чиқолмаганига ўзимни айбдор ҳисоблайман. Онам унинг келчагидан қайғуриб гап очса, ич-этимни ейман. Ахир, мен кечроқ 27 ёшимда ёши ўзим билан баравар олий маълумотли, яхши оиланинг фарзандига турмушга чиқдим. Ҳозир уч фарзанднинг онасиман, бахтлиман. Вақтида синглимга совчилар келганида, «Агар уни мендан олдин турмушга берсанглар, ўзимни бир ёқли қиламан», деб оёқ тираб олганман. «Синглиси турмушга чиқиб, каттаси уйда ўтирибди, бир балоси бордир-да» қабилидаги гап-сўзга қоламан дея қалта ўйлабман.

Узоқ қариндошимизнинг ўғли Райхонни бир тўйда кўриб қолиб, қайта-қайта совчи қўйганди. Синглим эса унга «Опамдан олдин турмушга чиқмайман, мени тўғри тушуниш», деб айтган экан. Яқинда ўша қариндошимиз қизини узатди. Онам би-

лан тўйга бордик. Уйга қайтаётим, онамнинг юраги бирдан хурж қилиб қолди. Шу куни касалхонага ётқиздик. Синглим «Опажон, сиз ўзингизни айбдор ҳисобламаңг. Асли, пешонамда шундай ёзилган-да», дейди. Райхоннинг ёши 42 да. Маълумоти олий. Хушмуомала, оқ кўнғил, меҳрибон. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. 48 ёшгача бўлган, иши тайин, болаларидан алоҳида яшайдиган инсон учраса, хабар берсангизлар.

МОҲИРА, Тошкент шаҳри.

«Асли хоразмликмиз. Опам Хуршиданинг хасталиги туфайли Тошкент вилоятига кўчиб келиб яшай бошладик. Ёшим 35 га чиққанида андижонлик Анвар билан турмуш қурдик. У уч бола билан хотинидан ажрашган эди. Эримнинг собиқ аёли бир йил давомида бошимга солган азобларни айтсам — тилим, айтмасам — дилим куяди. Бир куни уйимиз остонасига учта

боласини кўч-кўрони билан ташлаб кетди. Уларнинг ош-овқатини пиширсам-да, кирини ювсам-да, барибир кўнглига йўл тополмадим. Опамдан хабар олгани кетсам, катта қизи онасини уйимизга чақириб оларди. Бир куни болалар ўз уйимга ўзимни киритишмади. Йилгаб-йилгаб онамникига қайтиб кетдим. Анвар «Алоҳида яшаймиз», деб қайта-қайта келди. Лекин собиқ хотини, болалари тинчлик бермаслигига кўзим етиб рози бўлмадим. Аввал ишлайдиган корхонамга иш сўраб бордим. Яхши инсонлар кўмағида ўзимни, соғлиғимни тиклаб олдим. Қайта турмушга чиқмайман, дегандим. Лекин опам насихат қилиб, мени «Оила ва жамият» газетасига бошлаб келди. Тошкентлик, уч болали, хотини қазо қилган Тоҳир ақанинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Оғзи қуйган қатикни пуфлаб ичади, деганларидек, фарзандларининг тарбиясини маҳалласига бориб суриштирдик. Олти ойдан сўнг турмуш қурдик. Бахтлиман. Болаларим бир-биридан меҳрибон, ақли. Яқинда фарзандларимиз тўртта бўлади. Сизларга ташаккур.

ХОЛИДА, Тошкент вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўнғилосидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Ховлида юрган Омонбой ака ва энди-гина тандирдан узган нонларини саватга тахлаётган Хавожон ая тўпланиб кирган кўшнларининг бемаврид ташрифларидан, уларнинг бири олиб, бири қўйиб «Табриклаймиз!» деярлик олқишларидан шошиб қолишди. Эр-хотин бир-бирларига қараганча бир зум нима дейишларини билмай турди-да, ниҳоят, Омонбой ака:

— Нима, қариганда Хавожон менга яна ўғил туғиб бердимики, табриклайсизлар, — деди ҳазил аралаш.

— Кўп гапирмай телевизорни кўймайсаними, Омонбой?! Ботиржоннинг универсиадада Ўзбекистон чемпиони бўлиб, олтин медал олдими-ку!

Э-ҳа, «Бугун Андижонда мусобақа бошланади, телевизорда кўрсатилади», деганди-я ўғли телефонда, мол-ҳолга андармон бўлиб ёдидан кўтарилибди.

Хуллас, тўрт кун давомида Омонбой аканинг уйдан одамлар аримади. Кўни-кўшнлар, қариндош-уруғлар телевизор атрафида тўпланишиб, универсиадада ўйинларини, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини талабаси Ботиржон Акмановнинг чиқаришларини синчиклаб кузатиб бордилар. Ушбу нуфузли беллашувларда Ботиржон мутлақ чемпионликни қўлга киритиб, енгил атлетиканинг тўрт тури бўйича иккита олтин, иккита кумуш медал совриндорли бўлгани бир зумда бутун Шовотга овоза бўлиб кетди. Кўкси тўла медаллар, совга қилинган янги русумдаги иккита велосипед, бошдан-оёқ янги спорт кийимлари билан қайтган Ботиржонни вокзалда бутун қариндошлар, синфдош ёру дўстлари кутиб олишди. Уша кунни Хоразм вилоятининг Шовот тумани марказида «Спорт ва маданият маркази»нинг очилиш маросими бўлаётган экан. Туман ҳокими Ботиржонни маросимга таклиф қилди, «Мана, бизнинг Шовотдан ҳам янги чемпион чиқди», дея уни қатта даврага чорлаб, галаба билан кутди.

— Э жиян, нимасини айтсан, бизнинг давримизда ҳозиргидек шароитлар қайда эди, мактабда жисмоний тарбия машқларини қишда совуқ, ёзда чанг кўчаларда ўтказардик. Юртбошимизга минг раҳмат, спортга, жисмоний тарбияга бўлган муносабатни давлат сиёсати даражасига олиб чиқди, мамлакат тараққиёти учун ҳар томонлама соғлом, маънавий етуқ



Шовотдан чиққан чемпион

авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Олтин медал, кейинги ўн йил ичида Хоразмда, хусусан, Шовот туманида қанчадан-қанча бир-бирдан чиқибди, замонавий ва кўркам бинолар, спорт ва маданият саройлари, стадионлар қурилиб, ишга туширилди. Уларда фарзандларимиз ўзлари севган спорт турлари билан машғулликни, соғлом ва бақувват ўсаётганини кўриб чин дилдан ҳавасим келди, — дейди гурунг орасида Ботиржоннинг тоғаси Комилжон ака.

Болалигиданоқ жисмоний меҳнатда суяги қотган Ботиржон бақувват ва чайир бўлиб, спортга иштиёқи банд эди. Мактабда, сўнгра Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини қисқа масофага, яъни, 200–400 метрга югуриш машқларини қанда қилмади. Тажрибали тренер билан ўтказилган машғулотлар, тинимсиз меҳнат, мунтазам равишда ўз устиди ишлаш ва олдиға қўйган мақсадларга интилиш ўз натижаларини кўрсатмай қўймади. Ботиржон Андижон универсиадада чемпионликни қўлга киритди. У бир йилу икки ой ичида шаҳар ва республика мусобақаларида ҳамisha совринли ўринлар-

ни эгаллаб, 400 метрга югуриш бўйича икки марта Ўзбекистон чемпиони, олти марта спорт устаси номзодлиги талабларини бажаришга муяссар бўлди.

— Мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш осон эмас, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ботиржон Акманов. — Спортда яхши натижага эришиш бу — баъзи бир нарсалардан воз кечиш деган гап, яъни кечкурунги дўстлар билан учрашувлар, кинога боришлар, компьютер ва телевизор қаршисида узоқ ўтиришлардан маҳрум бўласан ва ҳаётингни маълум бир йўналишга солган ҳолда темир қондаларга қатъиян амал қилишинг шарт. Бу эса осон эмас. Устозим — спорт фахрийси, енгил атлетика бўйича миллий тоифадаги ҳакам Озод Рўзметов жуда қаттиққўл, машғулотлар пайтида ҳеч кимни аямайди. Уларнинг бошқа тренерларга ўхшамаган ўзига хос машғулот услублари бор. Биринчи гал ичига 4 кг темир солинган жилетни кийдириб, икки метрли арқонга маҳкамланган «Жигули» балонини белгига боғлаб, 200 м тепаликка югуртирганида, устимдаги ва белимга боғланган нарсаларнинг оғирлигидан эмас, балки атрофимдагиларнинг, бошқа гуруҳдаги тренер ва болаларнинг истехзоли кулишидан ўзимни ноқулай ҳис қилганман. Ушанда устозим менга далда бўлиб, «Бунга сира аҳамият берма, ҳозир улар сенинг устиндан кулишса, мусобақа пайтида сен уларнинг устидан куласан», деган эди...

Яқинда, май ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилиги беллашувларида қаҳрамонимиз 400 метрга югуриш бўйича мутлақ чемпионликни қўлга киритди. 11–12 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган халқаро миқёсдаги турнирда биринчи ўринни эгаллади ва ҳозирги кунда ўқув машғулотларини сўлим Янгиобод тоғларида ўтказаяпти.

— Мақсадим 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиадада ўйинларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, — дейди у қатъият билан.

Гулпошша ЭРГАШЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси.

«Яхшиям, архив бор экан...»

...Бу оила жуда бахтли яшар эди. Аммо кутилмаганда рўзгорбоши Аслиддин автоҳалокатга учраб, шифохонага етмасдан жони узилди. Аёли Рисолат эса уч нафар ёш боласи билан чирқираб қолаверди. Улар яшаш турган ўй қайно-ка-қайнонасида мерос бўлиб ўтган эди. Чиндан ҳам, одамнинг оласи ичида бўлар экан. Эрининг вафотидан кейин унинг ака-укалари жондек жиянларини ҳам ўйламай, аслида, ўй уларга мерос қолганини даъво қилиб, ҳужжатларини сохталаштиришни режалаштиришди. Аксига олиб, шодмон кунларида Аслиддин ҳам, Рисолат ҳам безъатибор бўлишган, уйга тегишли мерос битимлари ҳам йўқолиб кетган эди. Бу эса нобакор оға-иниларга қўл келадиган бўлди. Вояга етмаган уч боланинг бахтига, кўпни кўрган бир киши бундай ҳужжатнинг бир нусхасини адиля бошқармалари ҳузуридида архивда сақланганини айтиб қолди. Ва ёмон ниятли кишилар гайринисоний мақсадига етолмади. «Яхшиям, архив бор экан...» деди шунда Рисолат. Архивда сақлана-

ётган ҳужжатлар уйнинг асл эгаси кимлигини тасдиқлади. Ортиқча гапга ўрин ҳам қолмади...

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Президент Фармониини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди Қорақалпоғистон Республикасини Адиля вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адиля бошқармалари ҳузуридида архивлар ташкил этиш белгиланган. У ерда хусусий нотариусларга ва давлат нотариал идораларига тегишли архив ҳужжатлари сақланади. Барча ҳужжатлар махфийлиги таъминланади. Афзаллиги шундаки, жисмоний ва юридик шахслар ҳужжатларининг аслини йўқотиб қўйса, архивдаги нусхасидан кўчирма тақдим этилади.

Кўринмай турибдики, нотариал идоралари ишонч эшиги ҳисобланади. Жисмоний ва юридик шахсларга қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш билан бирга, уларнинг

АДИЛЯ ФАОЛИЯТИ

ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб боради, тақдим этилаётган ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Шу боис нотариал идора ходимлари нотариатга оид ҳужжатларни қўллашда, энг аввало, тарафларга битимнинг аҳамиятини тушунтириш билан уларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонунга зид эмаслигини текшириб кўради. Агар расмийлаштириш сўралётган нотариал ҳаракатлар қонунга мувофиқ келса, амалга оширилади. Акси бўлса, тўхтатилади.

Кейинги йилларда ҳуқуқимизни томонидан соҳани янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқдаки, бу нотариат институтининг инсон манфаатларини таъминлаш омилли сифатидаги мақомини янада кучайтиришга хизмат қилаётир.

Абдурашид ИСОҚЖОНОВ,
Ангрэн шаҳар давлат нотариал
идораси нотариуси.

Бошланиши
Чакки эмас

Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича Ўзбекистон ва Қирғизистон терма жамоалари ўртасида ўтказилган учрашууда вакилларимиз йирки — 4:0 ҳисобида галаба қозонишди.

2014 йилги жаҳон чемпионати, йўлнамаси учун саралаш ўйинининг 29-дақиқасида Александр Гейнрих ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимининг бошида Марат Бикмаев термаимизнинг иккинчи голини рақиблар дарвозасига киритди. 56-дақиқага келиб эса, жамоа сардори Сервер Жепаров учинчи тўп муаллифига айланди.



Учрашувнинг 90-дақиқасида Гейнрихнинг жаримадан узатган тўпини Бақоев бош билан дарвозага йўллаб, ҳисобни янада йирклиштирди (4:0). Жавоб учрашуви эртага Бишкек шаҳрида бўлиб ўтади.

Фарқ атиги
ярим очко

Россиянинг Ижевск шаҳрида давом этаётган халқаро мусобақада юзга яқин шахматчи голиблик учун куч синашмоқда.

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Марат Жумаев сўнги икки учрашувни галаба билан яқунлаб, пешқадамлар сафига қўшилди. Моҳир шахматчимиз еттинчи турда молдовалик гроссмейстер Алексей Хрущевни қора, россиялик Владимир Джангобеговни эса оқ донларда мот қилиб, олти очко жағгарди. Ҳозирча мусобақа пешқадами — россиялик Дмитрий Кокоревдан ярим очкога ортда бораётган Марат Жумаев сўнги партида мезонлар вакили Денис Хисматуллинга қарши дона суради.

Ёш боксчиларимиз
муваффақияти

Қозғистоннинг Остона шаҳрида бокс бўйича 15–16 ёшли ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўшланди. Мусобақада 46 мамлакатдан уч юз нафарга яқин боксчи 13 вазн тоифасида голиблик учун рингга чиқмоқда. Чемпионатда 54 килограмм вазнда рингга кўтарилган спортчимиз Дониёр Эргашев ироклик Салоҳ Фахрийни 22:7 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қатор халқаро турнирлар голиби Алиёр Норуллоев эса туркиялик Тегин Инакдан 14:11 ҳисобида устун келди.

Терма жамоасини аъзоларидан Шоҳрух Набиев шотландиялик Риис Макфадденни 15:6, Нурсултон Нишонбоев болгариялик Катен Асенювни 15:9 ҳисобида доғда қолдирди. Исроил Мадримов литвалик Владимир Поповга қарши беллашууда 16:5 ҳисобида галаба қозонди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларини қўлаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мамзуну учун тахририят жавобгар эмас.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609
Беш муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ
Қабулхона: (тел./факс) 233-28-20
Котибият: 237-21-82
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 728. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 8208. Баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мафтуна МИНГБОЕВА
Web-site: oilavajamiyat.uz 1/2 4/5